

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

2019 йил март ойида ўтказилган

**“Уй хўжаликларида бандлик масалаларини ўрганиш”
мавзусидаги социологик тадқиқот натижалари
асосида тайёрланган**

**Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг
январь-март ойларидаги ҳисоб-китоб балансига
шарҳлар**

Тошкент 2019

2019 йил биринчи чорак (январь-март) якунлари бўйича “Уй хўжаликларида бандлик масалаларини ўрганиш” мавзусидаги социологик тадқиқот Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази масъул ходимлари ҳамда ҳудудлардаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ходимларидан иборат гурухлар томонидан 2019 йилнинг марта ойида ўтказилди.

Социологик тадқиқотнинг мақсади: банд бўлмаган аҳоли сонини ҳисоблаш учун маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар сонини аниқлашдан иборат.

Вазифалари: тадқиқот натижалари асосида меҳнат ресурслари баҳоланади, ҳисобот ва прогноз баланслари ҳамда иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлган фуқароларнинг сифат таркиби түғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

Тадқиқот ўтказиш методологияси. Сўров ўтказиладиган уй хўжаликларини саралаш ҳар бир туман (шаҳар) бўйича маълумотларнинг намунавийлигини таъминлаш мақсадида, ҳар бир туман (шаҳар)да уй хўжаликлар сонининг ўртача 0,3 фоиздан кам бўлмаган миқдорини қамраб олиш орқали амалга оширилди. Бу жараён ҳар чорақда бир марта амалга оширилиб, йилда жами 4 марта ўтказилади.




108 та
ҳудуд

- 84 туман
- 24 шаҳар

462
маҳалла

- 4900 хонадон

Меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари



Давлат статистика қўмитаси прогноз маълумотлари ва 2019 йил март ойидаги
Марказ томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари асосида тайёрланган.

**2019 йил январь-март ойлари учун Ўзбекистон Республикаси бўйича
мехнат ресурсларининг ҳисоб-китоб баланси**

(минг киши)

№	Кўрсаткичлар	2018 йил январь- март	2018 йил январь- декабрь	2019 йил январь- март (бахо)	2019 йил январь-март 2018 йил январь- мартга нисбатан		2019 йил январь- март 2018 йил январь-декабрга нисбатан	
					(+,-)	(%)	(+,-)	(%)
I	Иқтисодий фаол аҳоли	14625,0	14641,7	14767,0	142,0	101,0	125,3	100,9
1	Бандлар, жами	13199,2	13273,1	13375,9	176,7	101,3	102,8	100,8
	шу жумладан:							
1.1.	Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар:	5235,8	5403,0	5412,1	176,3	103,4	9,1	100,2
1.1.1.	Иқтисодиёт тармоқларида бандлар (юридик шакслар, бошқа ташқилот ва муассасалар)	4928,4	5049,9	5020,6	92,2	101,9	-29,3	99,4
1.1.2.	Юридик шахс ташқил этмасдан патент асосида (руҳсатнома билан) ишлаётган тадбиркорлар	295,3	330,4	372,2	76,9	126,0	41,8	112,7
1.1.3.	Деҳжон хўжаликларида бандлар	12,1	22,7	19,3	7,2	159,5	-3,4	85,0
1.2.	Иқтисодиётнинг иорасмий секторида бандлар:	7963,4	7870,1	7963,8	0,4	100,0	93,7	101,2
1.2.1.	Вақтингчалик бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар	1682,6	1692,2	1724,5	41,9	102,5	32,3	101,9
a)	вақтингчалик бир марталик ишларни бажарувчилар	813,5	683,5	774,8	-38,7	95,2	91,3	113,4
b)	вақтингчалик мавсумий ишларни бажарувчилар	869,1	1008,7	949,7	80,6	109,3	-59,0	94,2
1.2.2.	Мехнат муносабатларини расмийлаштирилмасдан оиласвий корхоналарда ва тадбиркорларда ишловчилар	1066,9	879,6	959,8	-107,1	90,0	80,2	109,1
1.2.3.	рўйхатдан ўтмасдан ва тегишили руҳсатномасиз фаолият кўрсатадиган тадбиркорлар	1395,2	1470,6	1498,7	103,5	107,4	28,1	101,9
a)	рўйхатга олинмаган тадбиркор сифатида савдо-сотиқ билан шуғулланадиганлар	701,5	727,4	743,2	41,7	105,9	15,8	102,2
b)	тадбиркорликнинг бошқа турлари (изракашлик, хунармандчilik, аҳолига маишний жизмат кўрсатиш)	693,7	743,2	755,5	61,8	108,9	12,3	101,7
1.2.4.	Деҳжон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида бандлар	1699,7	1442,9	1415,5	-284,2	83,3	-27,4	98,1
1.2.5.	Республикадан ташқарига четта ишлашга кетгандар	2119,0	2384,8	2365,3	246,3	111,6	-19,5	99,2
2	Ишга жойлаштиришга муҳтоҷ шахслар	1425,8	1368,6	1391,1	-34,7	97,6	22,5	101,6
	Ишсизлик: даражаси, %	9,7	9,3	9,4	x	x	x	x
2.1	Ишсиз сифагида расмий рўйхатдан ўтганлар.	43,4	32,3	38,8	-4,6	89,4	6,5	120,1
2.2	Рўйхатдан ўтмаган ишга жойлаштиришга муҳтоҷ банд бўлмаган аҳоли	1382,4	1336,3	1352,3	-30,1	97,8	16,0	101,2
II	Иқтисодий нофаол аҳоли	4145,2	4193,9	4186,8	41,6	101,0	-7,1	99,8
2.1.	Ишлаб чиқаришдан акралган ҳолда ўқиётгандар	1698,4	1698,4	1698,4	0,0	100,0	0,0	100,0
2.2.	Тутурқ таътилидаги ёки 2 ёштагача болаларини парваришиловчи аёллар	1702,3	1741,8	1752,6	50,3	103,0	10,8	100,6
2.3.	Ишлашни хоҳламайдиган ёки дархол ишга жойлашишга имконияти йўқлар	744,5	753,7	735,8	-8,7	98,8	-17,9	97,6
III	Жами мехнат ресурслари	18770,2	18835,6	18953,8	183,6	101,0	118,2	100,6
3.1.	Мехнатта лаёқатли ёшдаги мемлакатга лаёқатли аҳоли	18654,8	18718,2	18838,0	183,2	101,0	119,8	100,6
3.2.	Пенсия ёшидаги ва мехнатта лаёқатли ёшдан кичик бўлган иқтисодиётда банд шахслар	115,4	117,4	115,8	0,4	100,3	-1,6	98,6

Давлат статистика қўмитаси прогноз маълумотлари ва 2019 йил март ойида
Марказ томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари асосида тайёрланган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнат ресурсларининг 2019 йил январь-март ойлари учун хисоб-китоб баланси¹⁾
(киши)**

Худудлар номи	Иқтисодий фаол аҳоли	Бандлар, жами	Шу жумладан:			Ишга жойлаштиришга муҳтоҷ шахслар	Ишсизлик даражаси	Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	Жами меҳнат ресурслари	Аҳолининг ўртача ийллик сони
			Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар	Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар	улардан, Республикадан ташқарига четга ишлашга кетганлар					
Ўзбекистон Республикаси	14 767 122	13 375 987	5 412 128	7 963 858	2 365 333	1 391 135	9,4	4 186 678	18 953 800	33 315 428
Қоқағалпоғистон Республикаси	781 977	706 493	279 696	426 797	145 081	75 484	9,7	290 623	1 072 600	1 872 600
Андижон вилояти	1 395 833	1 260 741	423 431	830 310	283 195	135 092	9,7	347 467	1 743 300	3 072 000
Бухоро вилояти	912 776	827 908	355 787	452 121	159 276	84 868	9,3	168 824	1 081 600	1 892 161
Жizzах вилояти	542 354	490 699	183 044	337 655	76 875	51 655	9,5	230 046	772 400	1 355 300
Қашқадарё вилояти	1 393 619	1 258 131	495 215	764 916	197 853	135 488	9,7	428 181	1 821 800	3 219 400
Навоий вилояти	453 582	413 339	248 651	165 688	39 289	40 243	8,9	103 818	557 400	986 114
Наманган вилояти	1 195 944	1 082 971	325 189	767 782	215 970	112 973	9,4	378 456	1 574 400	2 758 000
Самарқанд вилояти	1 629 513	1 472 116	496 243	953 874	314 158	157 397	9,7	487 687	2 117 200	3 806 300
Сурхондарё вилояти	1 098 965	992 927	326 101	711 826	186 745	106 038	9,6	356 935	1 455 900	2 575 253
Сирдарё вилояти	397 288	358 711	164 019	180 692	71 853	38 577	9,7	87 612	484 900	831 400
Тошкент вилояти	1 330 464	1 207 394	505 141	672 253	116 832	123 070	9,3	303 136	1 633 600	2 902 800
Фарғона вилояти	1 600 957	1 445 315	531 490	923 825	280 889	155 642	9,7	454 243	2 055 200	3 689 400
Хоразм вилояти	791 687	716 244	265 580	454 664	160 870	75 443	9,5	229 713	1 021 400	1 838 300
Тошкент шаҳри	1 242 162	1 142 997	812 541	321 456	116 447	99 165	8	319 938	1 562 100	2 516 400

¹⁾ Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги дастлабки маълумотлари ва 2019 йил март ойида ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида баҳоланганд.

Маълумотларнинг 2018 йил январь-сентябрь кўрсаткичларига нисбатан ўзгариши:
■ - ижобий, ■ - ўзгармаган, ■ - салбий.

Иқтисодий фаол аҳоли



77,9 %


Жинси бўйича



Ёши бўйича

- 31 ёш ва ундан катта
- 16-30 ёш

Маълумоти бўйича



Иқтисодий нофоаол аҳоли

шу жумладан, талаба-ёшлар, туғруқ таътили ва 2 ёшгача бола парвариши билан банд ва ҳ.



22,1 %



Жинси бўйича



Маълумоти бўйича



Ёши бўйича

- 31 ёш ва ундан катта
- 16-30 ёш



2019 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқларидағи банд ахоли, %



Норасмий бандлик энг юкори – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига банд ахоли тоифасига тўғри келди (30,6%)




Мигрантларнинг 1/2дан ортиғи қурилишда банд, 1/4 қисми қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари ва колгандари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида банд

Жами банд аҳолининг таркибида энг юкори бандлик – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 17,7 фоизни ташкил этди



Мигрантларнинг бандлик тармоқлари, %



Аҳолининг меҳнат мобиллиги

Аҳолининг вилоят ичидағи меҳнат мобиллиги 5,2%



2. Республика ичидағи мобиллик 12,8%, шунинг 11,6% Тошкентта келиб ишлайдиганлар ташкил этади



Меҳнат фаолиятини юритувчиларнинг яшаш жойи:
Шаҳардан – 62,0%, Қишлоқдан – 38,0%



Ўзбекистоннинг бошка худудига ишлаш учун бориши мумкин бўлганлар 16,8%

Эгалланничи
мумкин
бўлган
меҳнат
фаолияти
соҳалари

- Курилиш 50,0%
- Кишлоқ хўжалиги ишлари 25,0%
- Хизмат кўсатиш 25,0%

Бошка
худудга
боришига
тайёрлар
нинг
яшаш
худуди

- Шаҳар – 20,9%
- Кишлоқ – 79,1

Жинси
бўйича
тақсимоти

- Эркак – 82,7%
- Аёллар – 17,3%

Уларнинг маълумот даражаси:



Олий маълумотли –
25,1%



Ўрта маҳсус –
54,7%



Ўрта маълумотли –
20,3%



Меҳнат мобиллигининг
жинси ва ёши таркиби:



71,0 % 29,0 %



35,9%

16 - 30 ёш



64,1%

31 ва ундан
капталар

Ташқи мәхнат миграциясига доир маълумотлар





89,4%






10,6%

- 16-30 ёш



- 31 ёш ва ундан катта



МАЪЛУМОТИ БЎЙИЧА

Олий 5,0 %



Ўрта махсус 68,3 %



Ўрта 26,7 %



Мигрантлар ва Ўзбекистон Республикасига чегаралараро пул ўтказмалари хақида солиштирма маълумотлар

	Мигрантлар, 2018 йил, %*	Пул ўтказмалари, 2018 йил**, млн. долл.	Мигрантлар, 1 чорак 2019 йил, %***	Пул ўтказмалари, 1 чорак 2019 йил**, млн. долл.
Жами	100	5114,8	100	1064,0
Россия	80,8	3963,1	83,3	805,3
Қозоғистон	9,7	320,0	7,7	44,7
Туркия	5,6	203,8	4,3	47,5
АҚШ	0,6	188,4	0,7	45,2
Жанубий Корея	1,9	108,3	1,4	34,4
Хитой	0,2	12,5	0,1	3,9
Бошқа давлатлар	1,2	318,5	2,5	83,0

* Илмий марказ томонидан 2018 йилнинг декабрь ойида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари асосида.

** Марказий Банк маълумотлари асосида.

*** Илмий марказ томонидан 2019 йилнинг март ойида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари асосида.

Ишсизлик кўрсаткичлари

**9,4 % - ўзини ишсиз
деб баҳолаганлар
(1391,1 минг киши)**

**38,8 минг киши -
ишсиз сифатида
расмий рўйхатдан
утганлар**

- 2019 йил январь-март даврида бандлика кўмаклашиб марказларига ишга жойлашиш учун 173 265 киши мурожаат қилган.
- Шундан 16-30 ёшдаги ёшлар 61 880 киши ташкил этди.

- Иш билан таъминланди - 61 983 киши




- Жамоат ишларига жалб қилинди – 49 016 киши



- Малакавий қайта тайёрлов курсларига юборилди – 6 977 киши



- Ишсизлик нафақаси тайинланди – 3 863 киши



16-30 ёшдаги
ёшлар орасида
15,3%



16-25 ёшдаги
ёшлар орасида
17,1 %



Аёллар орасида
13,0%



Ёши бўйича

18 - 30 ёш
54,3 %

31 ва ундан
кatta
45,7 %



Кузатув натижасига кўра аҳоли бандлиги масалалари борасида қуидаги ҳолатлар ва муаммолар аниқланди:

муносиб ҳақ тўланадиган доимий иш ўринларининг етишмаслиги, ёшларни жумладан, олий маълумот ёки иш стажига эга бўлмаган ёш кадрларни ишга жойлашишларидағи қийинчиликлар;

давлат рўйхатидан ўтмасдан норасмий равишда тадбиркорлик фаолият турлари (озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, ширинликлар ва миллий таомлар, мева ва сабзавотларни консервация қилиш, уйда нон ёпиш ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилиш, мебелларни таъмирлаш, дераза ва эшик ромларини тайёрлаш, қурилиш ишлари, хизматлар амалга оширувчилар, жумладан: хонадонларда чакана савдо, автомобиллар, сантехника ва бошқа турли майший хизмат техникаларини таъмирлаш, косибчилик, бичиш-тикиш каби хизматлари ва бошқалар) билан шуғулланиши кузатилди;

қишлоқ жойларда яхши ҳақ тўланадиган доимий иш ўринларининг мавжуд бўлмаганинги сабабли ёшларнинг хорижга мөҳнат қилиш учун чиқиб кетишлари.

Аҳоли бандлигини ва иш ўринларини ташкил этиш ҳолатларини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар:

Рақамли ва инновацион иқтисодиётга ўтишда яратилаётган иш ўринларининг сифатига (юқори технологик соҳаларга) ҳам эътибор бериш ва ишчи кучини расмий экспортини кенгайтиришнинг мақсадли йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларини ишлаб чиқиш

Тадбиркорликни бошлашни режалаштираётган ёшлар учун пухта ишланган бизнес режалар ишлаб чиқишида Савдо-саноат палатасининг ахборот-маслаҳат марказлари ва бошқа консалтинг хизматларини фаоллаштириш

Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли станокларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳоказо)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этиш, шунингдек олий ва ўрта маҳсус таълим тизимидағи ўқув юртларининг мутахассислик тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, уларни буғунги кунда энг долзарб мутахассис ва кадрлар етказиб беришига йўналтириш

Уюшган миграция тизимини яхшилаш борасида: туманлар микёсида меҳнат мигрантлари учун ўқув семинарларини ташкил этиш, уларни миграцияга доир қонун хужжатлари билан таништириш; меҳнат мигрантларига патент олиш (чет элда ишга жойлашишлари учун рухсат берувчи зарурый хужжатларни расмийлаштиришларида) амалий ёрдам кўрсатиш (шу жумладан мигрант кетадиган давлат қонунчилиги доирасида зарурый хужжатларни масофавий тарзда рўйхатдан ўтказиш, мигрант кетадиган давлатда дархол иш бошлашига, ҳамда шу давлатининг қонунини бузилиши холатларини олдини олишга хизмат қиласиган рухсатноманининг дастлабки вариантини олиш)

Меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичларини мунтазам равиша (ойлик) аниқлаш ва ишга жойлашиш учун қайтиб келган мигрантлар сегментини белгилаш механизмини жорий этиш

Меҳнат мигрантларининг ижтимоий мавкеини (аёллар, ёшлар ва бошқаларни) ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашув асосида фаол равиша мослашишни, уларни ишга жойлаштириш ва ихтисослаштирилган иш жойларини яратиш масаласини ҳал қилиш

Ўрганишлар натижасига кўра иш билан банд бўлмаган аҳоли орасида касб-хунар коллажларини битирган ёшларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашмаслигининг асосий сабаби - ушбу касбларни (ихтисосликларни) битирган ёшларнинг билими меҳнат бозори талабларига жавоб бермаслиги яъни билим ва кўнкманинг етарли эмаслиги билан боғлиқдир. Шулардан келиб чиқиб ихтисосликларни ўзлаштирилиши мураккаблигини эътиборга олган ҳолда дифференциаллашган, турли муддатли (3, 6 ва 12 ойлик) касб-хунарга тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этиш (хусусан аҳолининг ижтимоий заиф катламларига мансуб ёшларни касб-хунарга ўқитишда ижтимоий контракт тизимини татбиқ этиш)

Кўшимча иш ўринларини таъминлаш шунингдек аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида қишлоқ жойларда кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш, қишлоқ хўялиги маҳсулотларини сақлаш, куритиш ва қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қулай бозор шароитларини яратиш шунингдек, кўпроқ ишсизлик даражаси ортиқ бўлган худудларда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва ёшларнинг ўзини-ўзи иш билан таъминлашининг ҳар қандай кўринишини (албатта қонун доирасида) ҳар томонлама кўллаб-куватлаш